

Дубай масжидларида аёллар учун намозхоналар очилди



10:55 / 15.06.2021 1690

Дубай масжидларида Ислом ва хайрия ишлари департаменти томонидан COVID-19 карантиндан кейин илк бор аёллар намозхоналари очилди. Бу ҳақда islam.ru нашри хабар беради.

2021 йилда белгиланган қоидаларга кўра, намозхонлар масжидларда ниқоб тақишлари ва ижтимоий масофани сақлашлари шарт. Масжидларда намознинг давомийлиги 30 дақиқа оралиғида чекланган.

Зиёратчилар ўзлари билан жойнамоз олиб келишлари ва қўл бермаслик, қучоқлашиш ва ҳар қандай жисмоний алоқадан сақланишлари кераклиги таъкидланган. Ижтимоий масофа белгилар билан белгиланади. Сурункали хасталикка чалинган ёки иммунитетини заиф одамларга масжидларда намоз ўқимаслик тавсия этилади. Кун давомида масжидлар дезинфекция қилинади. Маърузалар ва семинарлар виртуал форматда ўтказилади. Масжид зиёратчилари Қуръони Каримни электрон қурилмаларда ўқишлари тавсия этилади.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи